

Хар ким билим олиш ҳуқуқига эга.
Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади.
Мақтаб ишлари давлат назоратидадир.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси IX боб. 41-модда.



Хабар

ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN

48

(1158)
28-NOYABR

2014

www.xabar.uz
info@xabar.uz

1992-yil martdan chiqa boshlagan

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ALOQA, AXBOROTLASHTIRISH VA TELEKOMMUNIKATSIYA TEXNOLOGIYALARI DAVLAT QO'MITASI NASHRI

КИТОБХОН БОЛАЛАР

2014 йил –
Соғлом бола
йили

Соғлом авлод – нафақат жисмонан, балки маънан, ақдан етук ёшлардир. Бола онгини ҳеч бир восита китобчилик ривожлантира олмайдди. У ҳатто келажакни белгилаб беради. Шахсий кутубхонасига эга хонадонда туғилган фарзанд шу китоблар таъсирида улғаяди. Агарда китоблар орасида техника ва илмий адабиёт салмоқли ўрин тутса, боланинг ҳам келажакда шу йўналиш мутахассиси бўлиб өтишиши ҳеч гап эмас. Албатта, ўринак бўлиши учун ота-она китобхоналики кайда қилмаслиги, ўқилган асарларни муҳокама қилишлари ва уни фарзандларига ҳам тушунтириб беришлари лозим. Бундай оилада зий чироқлари доимо ёниқ туради. Болада фан ва илмга меҳр пайдо бўлади.

уларнинг шахсий кутубхонаси қандай бўлиши керак?

5-бет



УШБУ СОНДА:

Сўнги янгилик!

SnapJet стартап-компанияси смартфонлар учун ихчам фотопринтер ишлаб чиқди. 3DNews порталининг маълум қилишича, турдош қурилмалардан фарқли равишда, исталган смартфон билан синхронлаша оладиган SnapJet боғланиш учун на симли, на симсиз алоқани талаб қилади. Суратни чиқариш учун исталган тасвирни смартфон экранида акс эттириб бу принтер юзасига қўйилса кифоя. SnapJet махсус сканер воситасида смартфон экранидан нусха кўчиради (бир дюймга 1200 нуқта) ва бир неча сонияда фотосуратни чиқариб беради.



- АКТ бўйича ўзбек-япон семинари **2**
- Бахтимиз ва эркимиз кафолати **3**
- GSM-вирус **4**
- Всемирный день информации **6**
- Ижтимоий шериклик самараси **11**
- Шеърятимиз маликаси **16**

Теледастурлар, спорт, кроссворд

Jumadan
Jumagacha

● **Ўзбекистон Республикаси** Президенти Ислам Каримов 26 ноябр куни Оксфордда Россия Федерацияси ҳукумати раисининг ўринбосари Дмитрий Козакни қабул қилди. Давлатимиз раҳбари мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларнинг бугунги ҳолатидан мамнулигини билдирди, Ўзбекистон Россия билан савдо ва инвестициявий ҳамкорликни фаол ривожлантириш ва диверсификация қилиш тарафлари эканини таъкидлади. Президент Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиянинг ўн олтинчи мажлиси натижаларини юқори баҳолади.

● **Ўзбекистон Республикаси** Президенти Ислам Каримов Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг таклифига биноан 24-25 ноябр кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди. Икки давлат раҳбарлари ананавий дўстлик ва очкилик руҳида ўтган музокаралар чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришнинг асосий масалалари, савдо-иқтисодий, маданият-гуманитар ва бошқа соҳаларда ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш истиқболлари, шунингдек, томонларни қизиқтирган долзарб минтақавий ва халқаро масалаларни муҳокама этдилар. Ташриф асосида ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга қаратилган қатор ҳужжатлар имзоланди. Ўзбекистон Президенти Қозоғистон Президенти ҳамроҳлигида Остона шаҳрида яқинда очилган "Назарбоев-марказ" кўп тармоқли илмий-таҳлилий ва ижтимоий-маърифий давлат муассасасини бориб кўрди.

● **Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида"ги фармони эълон қилинди.**

● **Пойтахтимизда "Бола учун ижтимоий шериклик: миллий ва хорижий тақриб" мавзuida халқаро форум бўлиб ўтди.** Форумда ёш авлод камолоти йўлидаги ижтимоий шерикликни мустаҳкамлаш, соҳа муассасалари фаолиятини ва ўзаро ҳамкорликни тақомиллаштириш масалалари муҳокама қилинди.

● **2014 йилги сайловни ёритиш бўйича республика матбуот марказида "Сайловда иштирок этиш — меннинг конституциявий ҳуқуқим" мавзuida давра суҳбати бўлиб ўтди.** Тадбирда сўнгги йилларда сайлов қонучилигини қаратилган ва миллий сайлов тизимини янада демократлаштириш ҳамда эркинлаштириш, сайлов жараёнининг очкилик ва ошқоралик принципларини мустаҳкамлашга қаратилган ўзгариш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳиятига бағишланган маърузалар тингланди.

АКТ БҲЙИЧА ҲЗБЕК-ЯПОН СЕМИНАРИ



Жорий йилнинг 21 ноябр куни Халқаро ҳамкорлик марказида Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси ҳамда Япония ички ишлар ва коммуникация вазирлиги ўртасида 2014 йилнинг январ ойида АКТ соҳасида ҳамкорлик қилишга оид имзоланган Меморандумга мувофиқ, ахборот технологияларига бағишланган ўзбек-япон семинари бўлиб ўтди.

Таълим соҳасида АКТ ҳамда ижтимоий ва иқтисодий ривожланишда АКТдан фойдаланиш йўналишлари бўйича икки секцияга бўлинган семинарда давлат идоралари мутахассислари, Япониянинг Токио ҳамда Кеё университетлари, АКТ Миллий институти ҳамда NEC корпорацияси вакиллари иштирок этдилар.

Таълим соҳасида АКТдан фойдаланиш секциясида Ўзбекистон ва Япониянинг олий таълим муассасалари вакиллари АКТ соҳаси учун халқаро талабларга жавоб берадиган, юқори малакали кадрлар тайёрлашда ўзлари эришган ютуқлар ва тажрибалари ху-

сусида фикр алмашдилар. Хусусан, Япониянинг АКТ соҳасида кадрлар тайёрлаш бўйича етакчи ҳисобланган, юз йилдан зиёд тарихга эга Токио ҳамда Кеё университетлари тажрибаси яқиндан ўрганилди. Шунингдек, Япония АКТ Миллий институтининг илмий тадқиқотлар ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш бўйича тажрибаси тўғрисида маълумотлар тингланди.

Ижтимоий ва иқтисодий ривожланишда АКТдан фойдаланишга бағишланган иккинчи секцияда жамиятда АКТнинг жорий этилиши, унинг таъриқийтадғи ўрни, ижтимоий, иқти-

содий алоқаларда ахборот технологияларининг ролига оид тақдиротлар ўрин олди. Шунингдек, АКТнинг соғлиқни сақлаш, таълим ва бошқа соҳаларга жорий қилинишида АКТ инфратузилмасининг аҳамияти каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Иштирокчилар томонидан мазкур турдаги семинарларнинг ўтказилиши жамиятимизни ахборотлаштиришда АКТ соҳасида илғор давлатлар тажрибасидан фойдаланишга, пиروвардида юқори натижаларга эришишга кенг йўл очиши таъкидланди.

ccitt.uz

NAZORAT

Мамлакатимизда алоқа ва ахборотлаштириш хизматларига бўлган талаб кун сайин ортиб бормоқда. Ҳаётимизга янги технологиялар кириб келиши, кўрсатилаётган хизматларнинг сифат кўрсаткичлари юқори даражага кўтарилаётганлиги бугунги кунда бу борада бир қатор ютуқларга эришилаётганлигидан далолат беради.

ЭҲТИЁТСИЗЛИК ОҚИБАТИ

Айниқса, Наманган вилояти-нинг қишлоқларида алоқа хизматларини кўрсатиш кўламини кенгайтириш ва хизматлар сифатини яхшилаш мақсадида замонавий электрон телефон станциялари ишга туширилаётганлиги, кўчма почта алоқа бўлимлари орқали хизматлар кўрсатилиб аҳолига қулайликлар яратилаётганлиги бунга яққол мисол бўла олади.

Вилоятдаги шаҳар ва қишлоқлар қиёфасини ўзгартириш, аҳоли тураржой шароитларини тубдан яхшилаш, муҳандислик-коммуникация тармоқларини ривожлантириш, шунингдек, аҳолига энг замонавий технологиялар асосида телекоммуникация хизматлари ва юқори тезликдаги интернет хизматларини кўрсатиш борасида бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилаётган бир даврда вилоятимизда аҳолига сифатли телекоммуникация хизматларини кўрсатишга тўсқинлик қилувчи ва истезмолчиларга узлуксиз хизматлар кўрсатишга халақит бераётган ҳолатлар ҳам аниқланаётгани ачинарли ҳол. Ҳз хатти-ҳаракатлари ва масъулиятсизлиги ёки амалдаги тартиб-қоидаларни пиланд қилмай, алоқа линия ва иншоотларига жиддий зарар етказётган ва бунинг оқибатида алоқа хизматида узиллишлар юзга келишига сабабчи бўлаётган кимсалар ҳам учрамоқда.

Масалан, фуқаро А.Ҳожимирзаев 2014 йил 3 июн куни бошқарувидаги "VOLVO" русумли экскаватор билан Наманган шаҳри-

нинг "Чорсу" бозори ёнидаги хибонда ичимлик сувини олиб ўтиш учун ер қовлаш ишларини олиб бораётганда ер ости оптик толали алоқа кабелини узиб юборган. Телекоммуникация иншоотларининг ҳимоя ҳудудида ер қовлаш ишларини тегишли корхоналар билан келишмасдан, ўзбошимчилик билан амалга оширгани учун А.Ҳожимирзаевга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг тегишли моддасига асосан маъмурий жавобгарлик чораси қўлланилди.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 майдаги 210-қарори билан тасдиқланган "Телекоммуникация линиялари ва иншоотларини кўриқлаш қоидалари"да телекоммуникация линия ва иншоотларини жойлаштириш, алоқа коммуникацияларини кўриқлаш, алоқа коммуникациялари трассаларидаги кўриқлаш зоналарида ишларни ташкил этиш ва улардан фойдаланиш ҳамда мазкур қоидалар талабларини бузган шахсларга нисбатан жавобгарлик чоралари ва етказилган зарарни қоплаш белги-ланганлигини яна бир бор эслатиб ўтиш ўринли бўлади.

Ю. ИШАНОВ,

Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича давлат инспекциясининг Наманган вилоят ҳудудий бўлимаси бошлиғи

ИШОНЧЛИ ҲАМКОР

Тошлоқ тумани, Заркент қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи Абдуллажон Йўлдошев Ҳз йўлини топиб олган тадбиркорлардан. У мустақилликнинг илк йилларидаёқ тадбиркорликка қўл урган эди. Ушанда кичик фирма ташкил қилиб, электр трансформаторни таъмирлашдан иш бошлаган Абдуллажон бугун туманда катта салоҳиятга эга "Зебо" ҳисусий корхонасининг раҳбари.

— Корхонамизда турли ҳажм ва кучланишдаги электр трансформаторларини таъмирлаш, техник хизмат кўрсатиш, улар учун махсус электр қутилари тайёрлаш, янги эҳтиёт қисмлар олиб келиб, трансформаторларни йиғишни йўлга қўйганмиз, — дейди Абдуллажон Йўлдошев. — Ҳозирги кунда 25 кВт.дан 100 кВт.гача қувватдаги электр трансформаторларини йиғиш, техник хизмат кўрсатиш, таъмирлаш учун имкониятларимиз етарли. Ишимизнинг сифатли, бенуқсон бўлиши, буюртмаларнинг вақтида бажарилиши учун олти нафар ишчимиз астойдил ҳаракат қилишяпти. Мижозларимиз водий миқёсида кўпайиб борапти.

Россиядаги ҳамкорлардан трансформатор ва бошқа электр эҳтиёт қисмлари келтиришнинг йўлга қўйилганлиги корхона жамоаси учун катта ютуқ бўлди. Бу борада корхона молиявий томондан қўллаб-қувватлаётган АТ "Алоқабанк" Фарғона филиали ходимларидан электрчилар беҳад миннатдор. Банк томонидан яқинда берилган 85 миллион сўмлик кредит корхона ривожланишига асқотаяпти. Тадбиркор келгусида корхона фаолиятини кенгайтириш, ходимлар сонини кўпайтириш учун интиломқда.

Муҳаммадҷон МАҲМУДОВ

Бахтимиз ва эркимиз кафолати

"Ўзбекистон почтаси" АЖ ва "Ўзбектелеком" АК Фаргона филиалларида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 22 йиллигига бағишланган маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда. Шундай тадбирларнинг бири "Ўзбекистон почтаси" АЖ Фаргона филиали мажлислар залида бўлиб ўтди.

Конституциямизда Ўзбекистон халқи давлат ҳокимиятининг ягона манбаи, инсон ҳаёти, унинг шаъни, қадр-қиммати, ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатлари олий қадрият сифатида белгилаб қўйилган. Юртбошимиз айтганидек, "Конституциямиз давлатни давлат, миллатни миллат сифатида дунёга танитадиган "Қомуснома"дир".

— Ҳар бир фуқаро, ўсиб келаётган авлод Асосий қонуниамизнинг ҳар бир моддасини чуқур англаши, ҳурмат қилиши, бажариши керак ва бунинг ҳаётий зарурат дея билсагина ўз умр йўлларини ҳам тўғри режалаштира олади, — деди тадбирда иштирок этган ёзувчи Гулчехра Асрнова.

Нотиқ ўз фикрини давом эттириб, Конституциянинг 41-моддаси, "Таълим тўғрисида"ги қонун ва таълим тизимида амалга оширилган ислохотлар, "Соғлом бола йили Давлат дастури" ижроси қай даражада катта аҳамиятга эгалиги, Фаргона шаҳридаги бунёдкорлик ишларига диққатни қаратди.

Ҳафиза САЛЯҲОВА,
"Хабар"нинг Фаргона вилоятидаги мухбири

Бош қонунимизга бағишланди

"Ўзбектелеком" АК Навоий филиали ва Навоий шаҳар маънавият-тарғибот бўлими ҳамкорлигида жорий йилнинг 17 ноябр куни Бош қонунимизга бағишлаб давра суҳбати ташкил этилди.

Тадбирда Конституцияда белгиланган инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясига доир амалдаги ишлар тўғрисида батафсил фикр юритилди. Хусусан, ёшларнинг қобилияти, истеъдоди, билимига мувофиқ ижтимоий эҳтиёжларини эътиборга олиб, илм олиш, касб, машғулоти тури ва иш танлаш ҳуқуқини ўз ичига олувчи ҳуқуқлар мажмуи Конституциявий қоидаларда мустақамлаб қўйилганлиги ҳақида Навоий шаҳар маънавият-тарғибот бўлими раҳбари Р.Наврўзов гапириб ўтди.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинлиги олий қадрият ҳисобланади. Конституцияда инсон энг муътабар мавқега кўтарилди. Агарда Конституцияга эътибор билан қарасангиз, биринчи бўлимдан сўнг инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари бошланади, Конституциянинг 2-бўлими инсон ҳуқуқларининг тўлиқ ва ихчам тизимидир. Ундан кейинги 3-бўлим жаҳондаги бирорта конституцияда йўқ. Мазкур бўлимнинг асосий мақсади фуқаролик жамияти анъаналарини шакллантириш, жамоат бирлашмалари ва ижтимоий муносабатларнинг соғлом

равнақини таъминлашдир. Бундан кейинги бўлимларда давлат тузилиши ва давлат органларига оид қоидалар баён этилади. Демак, Конституция "Инсон — жамият — давлат" йўналишида тузилган бўлиб, унда инсон манфаати биринчи ўринга қўйилган.

Тадбир якунида филиал директори У.Исмоилов барча ходимларни эркинлик ва озодликни, мустақиллик ва ҳурликни ўзида намоён этувчи бу муқаддас ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинган кун билан табриклади.

Муҳаббат НОРҚУЛОВА,
"Ўзбектелеком" АК Навоий филиали касаба уюшмаси кўмитаси раиси

Мазкур Конституциянинг бирорта қоидаси Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етказадиган тарзда талқин этилиши мумкин эмас. Бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, III боб. 16-модда.

Ҳуқуқий асос

"Фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмасликлари шарт".

(Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасидан)

Яқинда Самарқанд вилояти Иштихон ахборот технологиялари ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежида Конституциямизнинг йигирма икки йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси, Тошкент ахборот технологиялари университети

Самарқанд филиали ва Самарқанд вилоят техник радионазорат станцияси ҳамкорлигида "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — ижтимоий адолат кафолати" мавзuida тадбир ўтказилди.

Маъруза қилганлар "Конституция ва фуқаролик жамияти", "Конституциямизнинг яратилиши тарихи", "Конституция ва иқтисодиёт: Ўзбек модули" каби мавзуларда сўз юритишди.

Коллеж ўқитувчи ва ўқувчиларини қизиқтирган саволларга маърузачилар жавоб беришди.

Абдуғафур ҲОТАМОВ,
"Хабар"нинг Самарқанд вилоятидаги мухбири



Ҳаётимиз мезони

Асосий қонунимизнинг 22 йиллиги муносабати билан Навоий вилоят ахборот-кўпмақола марказининг ҳуқуқий-ахборот сектори, ИДПИ ҳузурдаги 1-академик лицей, ИДПИ педагогика ва тарих факультети ҳамкорлигида "Конституция ва фуқаролик жамияти" мавзuida давра суҳбати бўлиб ўтди.

Унда Навоий Давлат педагогика институти тарих факультети катта ўқитувчиси Н.Даминов, "Ўзбекистон тарихи" кафедраси мудири Х.Қурбонов, "Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими" кафедраси катта ўқитувчиси О.Эшдавлатовларнинг маърузалари тингланди. Шунингдек, 11-умумтаълим мактаби ва 1-академик лицей ўқувчилари Конституцияга киритилган ўзгаришлар ҳақида сўз юритишди.

"Конституция — ҳаётимиз мезони" мавзuida китоб кўргазмаси ташкил этилди. Тадбир сўнигида вилоят ахборот-кўпмақола маркази томонидан иштирокчиларга эсдалик совғалари топширилди.

Маърифат САФАРОВА,
АКМ ҳуқуқий-ахборот сектори мудири

Xalqaro haqot



◆ **ИСПАНИЯ** ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан Ўрта ер денгизида Португалия байроғи ўрнатилган "Эйкос" номли кема қўлга олинди ва унда 18 тонна гиёҳванд модда борлиги аниқланди.

Балиқ овловчи кема экипажи аъзолари кемадаги моддаларни ёқиб юборишга уринишган ва натижада ёнгин келиб чиққан. Кучли куйиш оқибатида жароҳатланган икки денгизчи вертолётда касалхонага етказилди. Ёнаётган кема гиёҳванд моддани мусодара қилиш мақсадида Алмерия бандагоҳига юборилди. Аини пайтда воқеа юзасидан уриштирув ишлари олиб борилмоқда.

◆ **САУДИЯ АРАБИСТОНИ**да келатган йил бошида Маккаи Мукаррама ва Мадинаи Мунаввара ўртасида қурилатган 480 километр узунликдаги "Харамайн темир йўли"да тезюрар поездларнинг синови ўтказилади. Янги линия учун жами 35та замонавий поезднинг келтирилиши белгиланган.

Хабарда айтилишича, ҳозирда темир йўл линиясидаги асосий бекатларнинг 90 фоизи қуриб битказилган. Бекатлар икки муқаддас шаҳарга ташриф буюрадиган зиёратчилар учун қулай бўлишига алоҳида этибор қилинмоқда. Шунингдек, эҳтимолий сув тошқинларидан муҳофаза қилиш мақсадида, темир излар ер сатҳидан 1,2 метр баландроқ қилиб барпо этилган. Янги линия орқали соатига 20 мингта яқин йўловчини ташиш назарда тутилган.

◆ **ИТАЛИЯ**нинг Верона шаҳрида мамлакатдаги илк кўп қаватли қабристонни қуриш режалаштирилмоқда. У 33 қаватдан иборат бўлиб, 24 мингта қабрини сиздира олади. Бинода мижозларга колумбарий (куйдирилган мурда кули солинган идишчалар сақланадиган хона)лар, алоҳида қабрлар ёки бир оила аъзоларини дафи этиш учун мўлжалланган кўп ўринли капеллалар тақлиф қилинади.

Шунга ўхшаш лойиҳалар сайёрамизнинг бошқа минтақаларида ҳам мавжуд бўлиб, улар аҳоли зич мамлакатларда дафи этиш учун мўлжалланган майдонларнинг етишмаслиги муаммосига барҳам бериш мақсадида ўйлаб топилган.

◆ **СОСА-COLA** компанияси энди Fairlife бренди остида сут ишлаб чиқариш билан ҳам шуғулланади. Ушбу марка остида чиқарилган маҳсулотнинг нархи АҚШ дўконларидаги оддий сутта қараганда икки марта қиммат бўлади. Маҳсулот АҚШ бозорларида 2014 йил декабридан пайдо бўлади.

Истеъмолчиларга бу орқали протеини кўп, шакари камайтирилган маҳсулот тақлиф этилади. Соса-Cola биринчи вице-президенти Сэнди Дуглас Fairlife сутида одатдаги сутдан кўра 50 фоиздан ортиқроқ протеин, 30 фоиздан камроқ шакар, шунингдек, ширинроқ бўлишини таъкидлади.

ФИРРОМЛИККА ҚАРШИ ИЛОВА

УЕФА ташкилоти келишилган ўйинларга қарши махсус мобил илова ишлаб чиқди.

Мобил илова 7 тилли бўлиб, iPhone, iPad ва Android амалий тизимларида ишлайди. Иловада келишилган ўйинлар ҳақидаги маълумотлар, видеоматериаллар, кўп сўраладиган саволларга жавоблар келтирилган.

Келишилган ўйин ҳақида хабардор кишилар илова орқали УЕФАга хабар жўнатиш имкониятига эга. Иловада махсус электрон почта ҳам бўлиб, унга Европа футбол иттифоқидан жавоб хати келиши мумкин.

Мобил иловани App Store (iPhone) ёки Google Play (Android) электрон дўконларидан юклаб олса бўлади. Бунинг учун "Излаш" деган жойга "UEFA Integrity" калит сўзи киритилса бас.



◆ **СИГАРЕТ КОМПЮТЕРГА ҲАМ ЗАРАР**

The Guardian нашри ёзишича, электрон сигаретлар кашандалар учун фойдали бўлгани билан уларнинг компютерлари учун хавфли. Шунингдек, бошқа турдаги USB-қурилмаларни ҳам бемалол "компютернинг душманлари" рўйхатига киритиш мумкин.

Гап шундаки, аксарият электрон сигаретлар шахсий компютер ёки ноутбукнинг USB-бўлмасидан қувват олади. USBни қўлловчи исталган қурилма (бу оддий флешка ҳам мобил телефонларга ҳам тааллуқли), агар ишлаб чиқарувчи шубҳали компания бўлса, вируслардан кафолатланмаган. Хориждаги йирик компаниялардан бирининг топ-менеджери билан содир бўлган воқеа бунга яхши мисол бўла олади. Унинг компютерига тушган вируснинг манбаини узоқ вақтгача топа олишмади. Кейинроқ маълум бўлишича, бу Хитойда тайёрланган электрон сигарет бўлиб, унга зарарли дастур жойлаб қўйилган экан. Сигарет компютерга уланган чоғи "уйга кўнги-роқ қилиб", компютерни зарарлаган.

GSM-ВИРУС

Худди Symantec антивирус компаниясидаги ҳамкасблари сингари Regis вируси устида тадқиқот ўтказган "Касперский лабораторияси" мутахассислари ҳам унинг GSM стандартидаги мобил алоқа тармоқларига хавф солиши эҳтимолини тасдиқлашди.



Вируснинг мавжудлиги яқинда аниқланди. Symantec таҳлилари ундан асосан телекоммуникация компаниялари ва интернет-провайдерларга киберҳужумларда қўлланилганини кўрсатди, шунингдек, меҳмонхона бизнеси, ҳуқуқат муассасалари, илмий-тадқиқот институтлари ва жисмоний шахслар ҳам зарарли дастурдан жабрлангани тўғрисида маълумотлар бор.

Regis воситасида уюштирилган ҳужумларнинг 28 фоизи Россияга, 24 фоизи Саудия Арабистонига қаратилди. Вирус излари Ирландия, Мексика, Ҳиндистон, Покистон, Афғонистон, Эрон, Белгия ва Австрияда ҳам кузатилган.

ҚИСҚА САТРАЛДАР

● Еврокомиссия Google қидирув тизими ва корпорациянинг бошқа сервислари ахборот технологиялари бозорида яққоқим бўлиб олмаслиги учун уларни "ажратмоқчи".

Рақобатчиларнинг таъкидлашича, Google корпорацияси интернет-қидирув тизимининг оммавийлигидан фойдаланиб, излаш натижаларига ҳаволалар тақдим этишда биринчи галда ўз сервисларини илгари сурмоқда.

Таҳлилчилар бунинг натижасида муваффақияти асосан қидирув тизимига боғлиқ YouTube ёки Google Shopping сингари сервислар зарар кўришини таъкидлашапти.

● Samsung Electronics компанияси имконияти чекланган инсонлар учун компютер "сичқонча"си ишлаб чиқди. Бу қурилмани фойдаланувчи кўз ҳаракатлари ёрдамида бошқаради. Компания блогига хабар берилишича, EYECAN+ деб номланган мазкур ишланма компютерда ишлаш учун кўшимча воситалар, масалан, кўзойнак талаб қилмайди.

● Ўйин ўрнатилган биринчи мобил телефонга 20 йил тўлди. Hagenuk MT-2000 деб номланган бу қурилма Данияда чиқарилган ва ишлатилган. Моноблок шаклидаги телефон рақамли клавиатурали, экрани монохром бўлган.

Ўйин эса Hagenuk MT-2000дан ўн йил илгари ишлаб чиқарилган маълум ва машҳур Tetris эди.

● HTC компанияси ўз смартфонлари учун тез қувватлантирувчи универсал зарядлаш мосламасини чиқарди.

Мосламанинг номи Rapid Charger 2.0 бўлиб, Qualcomm Quick Charge 2.0 технологияси қўлланилганлиги боис мобил телефонни зарядлаш вақтини 40 фоизгача қисқартиради. Бу қурилма биринчи галда HTC кне М8, кне Е8, кне Remix ҳамда Kesire Eye смартфонларига мўлжалланган.

С.ТЕМИРОВ тайёрлади

◀ 1-бет

Ахборот ва технологиялар асрида яшаётимиз. Бугуннинг боласи китоб жавонига қўл узатиб, нимани олади: анъанавий қоғоз китобними ёки унинг электрон талқинини? Танлов тўғри бўлиши учун нималарга амал қилишимиз керак?

Бугунги ўлчов бўйича бир неча юз китобдан иборат шахсий кутубхона салмоқли саналади. Қоғоз китобни харид қилиш — серхаражат ва ноқулай деб ҳисобловчилар сони торабора ортиб бораётган. "Интернетдан топиб ўқиш мумкин!" — мана замонавий қараш. Албатта, интернетдан ўқиш мумкин. Бунинг учун глобал тармоқ бизга кенг имконият яратиб қўйган. Санокли дақиқаларда ўзимиз истаган китобни топа оламиз. Лекин интернет кераксиз ва чалғитувчи маълумотларга тўла эканини ҳам унутмаслик лозим. Айниқса, ёш болаларнинг мустақил равишда фойдали манбаларни топиши осон эмас. Турли диққатни тортувчи "клик"лар, кўнгилчар сайтлар ёки ижтимоий тармоқлар болани осонгина ўзига жалб қилиб олиши мумкин.

Шахсий компьютер, планшет ва смартфонларда шахсий кутубхоналарнинг ташкил қилиниши бугунги кун учун одатий, нормал ҳолат. Бироқ бола учун қулай ва оддий бўлиши учун қоғозли китоблардан иборат шахсий кутубхона ташкил қилишнинг аҳамияти катта. Албатта, боланинг улғайиши давомида унинг кутубхонасига электрон китоблар ҳам қўшилиб боради.

Бир-беш ёшли болалар учун китоблар: албатта, қоғоз шаклда

Бу ёшда китобнинг мазмуни катта рол ўйнамайди — бола асосан турли шакллари, ранглари, расмлардаги жонзот ёки объектларни таний бошлайди. Китобни ўқий олмаса-да, уни томоша қилади, ушлаб, ҳис қила бошлайди. Китобни "тишлаб кўриш", "иригиб кўриш" тажрибасидан ҳам ўтилади — бу боланинг дастлабки ахборот олиш усули.

Электрон китоб (Book Reader) совға қилиш вақти келди

Планшет, смартфон эмас, айнан электрон китоб. Албатта, бола те-

лефон ва планшет ишлатиши ҳам мумкин, бироқ бу воситалар китобларни қулай ўқишга имкон бермайди. Планшет ва телефоннинг вазифаси бошқа. Электрон китоблар эса турли чалғитувчи воситалардан — мессенжерлар/почта/ижтимоий тармоқлардан холи, кўзга зарарсиз, кўп китоб сақлаш имко-

Шунинг учун олдиндан қуролланиб олмоқ лозим. Боланинг шахсий китобхонасидан табиат, биология, география, техника, тарихга оид салмоқли ва чиройли энциклопедиялар ўрин олиши керак. Ҳа, бундай китоблар арзон турмайди. Шунинг учун уни сиз ҳам фарзандингиз билан биргаликда ўқиб, ки-

амалга оширинг. Болакай китоб дўконидagi ёрқин ранглардаги китобларни ўзи танлаш имконига эга бўлади. Бу ота-оналар учун "чиқим"ли ташриф туюлиши мумкин. Аммо фарзандингизга бундан кўпроқ маблаг сарфлаб ўйинчоқлар олиб бергансиз. Боланинг ўйинчоқлар дўконидagiдан кўра китоб дўконидagi харашаси ва китобни қўлига олганидан кейинги қувончини кўриш завқдирок, ҳар ҳолда.

Шахсий кутубхонаси қанчалик бой бўлмасин, мактаб ёшидаги болаларни ахборот-кутубхоналарга олиб бориш уларда ўзгача тасаввур, таассурот қолдиради. Шахсий ку-

КИТОБ ХОН БОЛАЛАР

уларнинг шахсий кутубхонаси қандай бўлиши керак?



нига эга ва қуввати ҳам чидамли. Электрон китоб хотирасида минглаб китоблардан иборат кутубхона ташкил қилса бўлади. Китоб муталаасига қизиқувчан бола учун айти муддао қурилма. Ўзбек ва жаҳон адабиётига оид асарларни жамлаган сайтлар интернетнинг ўзбек сегментида ҳам кўпайиб бормоқда. Улар орасида Ziuou.uz сайти ўзининг бой кутубхонаси билан китобхонлар орасида ном қозонган.

Турли мавзудаги расмларга бой энциклопедиялар

Фарзандингиз келажакда қайси касбни танлашини олдиндан айти олмайсиз. Ҳатто эртага уни нима қизиқтиришини, ўз олдига қандай савол қўйиб, жавобини қаердан қидиришини тахмин қилолмайсиз.

тобни кадрлашга ўргатинг.

Электрон материаллар

Ахборот технологияларининг ривожига болалар тасавури ва билимини бойтадиган материалларнинг кенг тарқалишига имкон яратди. Табиат ва олам, саломатлик ва хорижий тиллар ҳақидаги видеоқўлланмаларни интернетдан қидириб топиш мушкул эмас. Мисол учун, ZiuoNET тармоғидagi utube.uz сайтида шу мавзулардаги минглаб видеолар жойланган.

Фарзандингизни китоб дўкони ва кутубхонага олиб боринг

Бу ишни у 10-12 ёшга етганида эмас, юришини бошлаши биланоқ

кутубхона — ирмоқ, дарё бўлса, ахборот-кутубхоналар — денгиз, уммондир.

Ўртак бўлинг

Чиройли ва катта шахсий кутубхона ташкил этишининг ўзи болаларнинг китобга меҳр қўйишини таъминламайди. Бу зарурий восита, холос. Китобга меҳр асосан муҳитга қараб шаклланади. Болаларнинг тақлид қилишга уринувчи илк қаҳрамонлари — бу ота-она. Ота-она уйда қўлига китоб олмаса, ўқилган асарларни ўзаро муҳокама қилишмас, фарзанднинг қизиқиши ошиши мушкул, бир-икки варақлаган китоби шу ҳолига қолиб кетади. Китоб — жавон беазаги сифатида эмас, қалб ва онг беазагига айлансагина қадрли.

Лутфилло ТУРСУНОВ

ЭЛЕКТРОН кутубхона, ресурс ва таълим

Урганч шаҳридаги Хоразм вилоят ахборот-кутубхона марказида янги ахборот технологияларини марказ иш фаолиятига жорий этиш, илғор тажрибаларни оммалаштириш, ходимларнинг касбий маҳоратларини ошириш борасида кўпгина ишлар амалга оширилмоқда.

Бу эса китобхонлар сафини янада кенгайтириш, уларга замонавий технологиялар асосида хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашда муҳим ўрин тутапти.

24 ноябр куни АКМнинг ахборот технологиялари бўлимида "Электрон кутубхоналар ва электрон ресурслар. Электрон таълим" мавзуда Ҳазорасп, Янгиариқ, Шовот туман АРМ ходим-

лари иштирокида семинар-тренинг ўтказилди.

"Электрон кутубхоналар ва электрон ресурслар. Электрон таълим" мавзуда ахборот технологиялари бўлими мудири Д.Рўзметова, "Кутубхоналар, нашриётлар ва китоб бозорларининг ҳамкорлиги" мавзуда ахборот ҳужжатлари фонддини тўлдирish бўлими мудири А.Бобонозалар маъруза ўқидилар. "АРМ ва кутубхона хо-

димлари, сизлар учун!" мавзудаги кўргазма тақдими илмий-методика бўлими етакчи кутубхоначиси К.Ражапова ҳамда илмий-методика бўлими мудири К.Матчоновалар томонидан Соғлом бола йилига бағишлаб, "Соғлом авлод — юрт келажиги" мавзудаги услубий қўлланмалар тақдими ўтказилди.

Компютер саводхонлиги бўйича ўқув машғулотини ахборот технология бўлими ходимлари Д.Рўзметова, Б.Казаковлар олиб боришди.

М.ҚУРБОНБЕКОВА, АКМ илмий-методика бўлими бош кутубхоначиси

Всемирный день информации

По инициативе Международной академии информатизации (МАИ) ежегодно 26 ноября отмечается Всемирный день информации (World Information Day). Этот праздник связан с годовщиной первого Международного форума информатизации, прошедшего в 1992 году.

Информация, в широком смысле, — сведения, передаваемые одним людьми другим людям устным, письменным или каким-либо другим способом, а также сам процесс передачи или получения этих сведений.

В Узбекистане, как отметил в своем докладе "Концепция дальнейшего углубления демократических реформ и формирования гражданского общества в стране" Президент Ислам Каримов, актуальное значение имеет обеспечение информационной свободы, превращение средств массовой информации в трибуну свободного выражения гражданами своих мыслей и идей, позиции и отношения к происходящим событиям.

С этой целью в нашей стране уделяется особое внимание укреплению законодательной и материально-технической базы средств массовой информации. В частности принято более 10 законов и законодательно-нормативных актов: "О средствах массовой информации", "О защите профессиональной деятельности журналиста", "Об издательской деятельности", "О гарантиях и свободе доступа к информации", "О рекламе", "О связи и другие.

В 1991 году в Узбекистане действовали 395 средств массовой информации, на сегодняшний день данный показатель составляет 1373, сообщает Узбекское агентство по печати и информации. Из них 687 газет, 284

журналов, 94 ТВ и радио. Наряду с печатными изданиями, теле и радиоканалами в качестве СМИ также регистрируются веб-сайты (290 сайтов). Важно отметить, что 78 процентов теле и радиоканалов и веб-сайтов считаются государственными средствами массовой информации. Кроме того, СМИ Узбекистана издаются и выходят в эфир на семи языках проживающих в нашей стране наций и народностей.

Идет интенсивная специализация как печатных, так и электронных СМИ. В настоящее время, кроме общественно-политических и экономических направлений, все больше актуальными становятся темы духовно-просветительские, медицинские, детские, спортивные и информационно-технологические.

В документе "Концепция дальнейшего углубления демократических реформ и формирования гражданского общества в стране" определены конкретные меры по внесению соответствующих изменений и дополнений в законы "О средствах массовой информации", "О принципах и гарантиях свободы информации" и ряд других.

В ней предложено также принять законы "Об экономических основах деятельности СМИ", "О гарантиях государственной поддержки СМИ", направленные на повышение эффективности деятельности и защиту экономических интересов участников информационного рынка, Закона

"О телерадиовещании", направленного на развитие этой важнейшей отрасли сферы информационных коммуникаций.

Важное значение придается и издательской деятельности. В частности на основании решения Комиссии по лицензированию издательской деятельности было выдано 108 лицензий. Эта область регулируется Законом Республики Узбекистан "Об издательской деятельности", Постановлением Кабинета Министров 275 "Об утверждении положения о лицензировании издательской деятельности".

Полиграфические предприятия работают в нашей стране в соответствии с Постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан "Об утверждении Положения о порядке регистрации и постановки на учет полиграфических предприятий" от 27 декабря 2002 года. Всего их зарегистрировано по состоянию на 1 июля 2014 года 1808 предприятий.

Достоверная, качественная и своевременная информация необходима для нормального функционирования государства. Эта цель достигается путем поэтапного, последовательного реформирования и государственного строительства, а также решения задач по укреплению места и роли в обществе средств массовой информации, их активизации в системе институтов гражданского общества.

ИА "Жахон"

На ЕПИГУ

реализована новая услуга по подаче электронной заявки на получение медицинского заключения

На Едином портале интерактивных государственных услуг реализована новая услуга "Подача электронной заявки на получение медицинского заключения для оформления талона на обеспечение протезно-ортопедическими изделиями и техническими средствами реабилитации инвалидов от 16 лет и старше".

Данной услугой могут воспользоваться все физические лица, имеющие инвалидность в возрасте 16 лет и старше или их законные представители, прошедшие регистрацию на Едином портале.

Прием заявлений и регистрация услуг от пользователей (инвалидов или их законных представителей) осуществляют главные врачебно-трудовые экспертные комиссии (ВТЭК) Республиканской инспекции медико-социальной экспертизы внебюджетного Пенсионного фонда при Министерстве финансов Республики Узбекистан.

При наличии показаний в медицинских документах (акт освидетельствования и др.) инвалида ответственным сотрудником специализированного, межрайонного, районного (городского) ВТЭК в установленном порядке оформляется медицинское заключение и отправляется уведомление в главный ВТЭК о готовности медицинского заключения. В свою очередь, уполномоченный сотрудник главного ВТЭК извещает заявителя о готовности данного медицинского заключения путем отправки уведомления на электронную почту заявителя.

Центр развития системы "Электронное правительство"

при Госкомсвязи Узбекистана запустил в тестовом режиме официальный сайт

В сотрудничестве с отечественной компанией ООО "PIXEL CRAFT" в ноябре этого года запущен в тестовом режиме официальный сайт Центра развития системы "Электронное правительство" по адресу www.egovment.uz

Центр развития системы "Электронное правительство" был создан при Государственном комитете связи, информатизации и телекоммуникационных технологий Республики Узбекистан в соответствии с постановлением Кабинета Министров Узбекистана от 16 сентября 2013 года.

Сайт будет работать на трех языках: узбекском, русском и английском. В английской версии пока еще не все разделы заполнены.

Главная страница сайта условно разделена на четыре главных направления: "G2C", "G2B", "G2F" и "G2G".

На новом сайте Центра представлена полная информация о системе "Электронное правительство в Узбекистане". В разделе "О системе" дана инфор-

мация об основных составляющих системы Электронного правительства, реализуемых проектах, а также представлена Схема работы системы "Электронное правительство" для предоставления интерактивных государственных услуг.

Сайт выполнен в соответствии с современными требованиями к сайтам госорганов Узбекистана, имеет мобильную версию, а также версию для слабовидящих. На сайте размещены справочные и нормативные материалы по всем направлениям деятельности.

В качестве главного слогана под логотипом Центра на сайте указана фраза — "Прозрачный и эффективный диалог". Так что, можно направлять свои пожелания по работе нового сайта по форме обратной связи или регистрироваться на форуме Центра для более долговременного и полноценного диалога по всем вопросам развития Системы "Электронное правительство" в Узбекистане.



ООО "САМИНТЕХКОМ" ОКАЗЫВАЕТ СЛЕДУЮЩИЕ УСЛУГИ:

Установка автомобильного газобаллонного оборудования европейского качества IV поколения (EPICA, CAPTIVA, LACETTI, COBALT, NEXIA II, ISUZU всех модификаций).

Техническое обслуживание и выдача свидетельств для регистрации в ДПС.

Оплата по перечислению и платежной карточкой.

Только у нас самые низкие цены. Экономьте свои деньги.

г. Самарканд.
Тел: +99893 333-04-26;
+99893 333-04-35.

Свидетельство №04558

Хабар +tv

ДУШАНБА — 1 ДЕКАБР

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон".
7.00 Сайлов - 2014". Теледаст.б.
7.50 "Сехри сандиқ". М/ф.
8.00 "Тахлилнома".
8.40 "Яшил хаёлат". Х/ф.
9.30 "Кунли ободиги".
9.50 "Нотарию масахлати".
10.00 "Ҳужуно". Т/с.
10.45 "Кудуз аммининг хизматлари". М/с.
11.00 "Абзорот".
11.10 "Ватанпарвар".
11.55 "Иқлими".
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон".
13.00 "Мен ва У".
13.25 "Феузиқор киш зийнати".
13.40 "Юрди - дарё".
14.00 "Абзорот".
14.15 "Ҳидоят сари".
14.35 Миллий сериал: "Фидоилар".
15.01 "Иқлими".
15.10 "Ўсимликлар ҳаёти". Х/ф.
15.35 "Аёл бахти".
15.55 "Заковат".
16.25 "Сандилар ва сифат".
17.00 "Абзорот".
17.10 "Эркин фикр".
17.20 "Иқлими".
17.25 "Атроқнома".
17.40 "Қорачиқ".
18.00 "Кунлиқ қўшиқ истади".
18.10 "Ниток".
18.40 "Доктор Ҳаёе". Т/с.
19.25 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 "Абзорот /рус".
20.01 "Сайлов - 2014".
22.00 "Кунлиқ қўшиқ истади".
22.10 "Муносабат".
22.20, 20.15 "Жек Фрост". Б/ф.
23.15 "Иқлими".
23.50 Миллий сериал: "Опа - синилар". 2-Фасл.
24.00 "Абзорот".
24.10 "Сайлов - 2014".
24.20 "Кунлиқ қўшиқ истади".
24.30 "Муносабат".
24.40 "Ҳаёт сабоқлари". Т/с.
24.50 "Камолот-инфо".
25.10 "Барон Мюнхгаузен". Б/ф. 2-хисм.

11.50 "Yoshlar". ОИТСга қарши: "Ҳаёт қадри".
12.10 "Ўмубал остида". Т/с.
12.50 "Телерафта".
13.00 "Давр".
13.10 "Доктор Қуниш". Т/с.
13.40 "Никон-шоу".
14.50 "Мўъжизавий дунё".
15.50 "UzEX".
16.00 "Давр".
16.10 "Абуеунгар". Т/с.
17.00 "Камолот-инфо".
17.10 "Автопарул".
17.30 "Соғом онаи - соғом бола".
17.50 "Шайхона". Б/ф. 1-хисм.
19.00 "Давр".
19.30 "Самоний ишқ". Т/с.
20.40 "Конституция дарси".

20.50 "Ешшиқ наволар".
21.10 "Ўмубал остида". Т/с.
22.00 "Давр".
22.30 "Ўзбек адабиёти".
22.50 "Оқоғуз искура". Т/с. 2-фасл.
23.00 "Жаҳон мусиқаси".
1.20 "Мўъжизавий дунё".
2.20 "Тарангум".
3.00 "Камолот-инфо".
3.10 "Ҳаёт қадри".
3.30 "Автопарул".
3.50 "Қанзақ Иззату". Т/с.
4.30 "UzEX".
4.40 "Доктор Қуниш". Т/с.
5.30-6.00 "Давр".

ТОҶИКИСТОН

5.55 "Яғонасан, муқаддас Ватаним".
6.00 8.00, 12.00, 16.00, 18.00, 20.00 "Миллат".
6.25 Миллий сериал: "Ҳаёт шишақоналари".
6.55 "Соз сехри".
7.00 "Тоғлиқ вақти".
7.50 "Бизнинг ҳаётлар".
8.20 "Ишга марҳамат".
8.25 Тоғлиқ тароналари.
8.35 "Пойтахт-эко".
8.45 "Оби ҳонадон".
9.05 "Эзиза" фильм қадрида фильм.
9.50 "Роғулақ-спорт".
10.00, 14.00, 22.00 "Пойтахт".
10.20 "Крик соғам". Б/ф.
11.45 "Қонун доираси".
12.10 "Қамин: зорато". Х/ф.
12.15 "Тоғлиқ вақти".
13.50 "Роғулақ-спортлар".
14.10 "Кинотақдим".
14.40 "Роғулақ-авто".
14.40 "Ҳолиқ налар".
15.00 "Роғулақ-biznes".
15.10 "Уғай она". Т/с. 84-хисм.
16.10 "Қайсиқини қўлушин". Б/ф.
17.30 "Роғулақ-тур".
17.40 "Ҳан на парқадат".
18.25 "Рақсинг сехри олами".
18.35 "Роғулақ-интегум".
18.45 "Лочин ва қалбуар". Т/с. /Премьера/. 1-хисм.
19.30 Тоғлиқ тароналари.
19.40 "Теле-маркет".
19.50 "Сайлов-2014".
19.55 "Навоий махзини".
20.00 "Роғулақт news".
20.20 "Ишга марҳамат".
20.25 "Уғай она". Т/с./Премьера/. 85-хисм.
21.15 "Сайлов-2014".
21.25 "Пойтахт йўлариди".
21.40 "Роғулақ-эко".
21.50 "Теле-маркет".
22.20 "Ҳас пик". Б/ф./рус тилида/.
22.35 "Пойтахт-қултура".
00.05 "Вес о турнуме".
00.35 "Пойтахт йўлариди".
1.00 "Роғулақ-эко".
1.10 "Вес тайни космоса-1". Х/ф.
1.20 "Ишқ суруи". Б/ф.
1.30 "Роғулақ-Нй-тес".
1.40 "Тоғлиқ вақти".
1.50 "Милт" теледастури.
4.50 "Дунё гаваҳи".

2.15 "Сайлов-2014".
2.25 "Пойтахт йўлариди".
2.40 "Роғулақ-эко".
2.50 "Теле-маркет".
2.55 "Ҳас пик". Б/ф./рус тилида/.
3.35 "Пойтахт-қултура".
00.05 "Вес о турнуме".
00.35 "Пойтахт йўлариди".
1.00 "Роғулақ-эко".
1.10 "Вес тайни космоса-1". Х/ф.
1.20 "Ишқ суруи". Б/ф.
1.30 "Роғулақ-Нй-тес".
1.40 "Тоғлиқ вақти".
1.50 "Милт" теледастури.
4.50 "Дунё гаваҳи".

6.00 "Хайри тоғи".
6.05 Кўрсатувлар тартиби.
6.10 "Аҳорит мактаби".
6.30 Тонгги гимнастика.
6.40 "Матонат".
7.00 "SPORT-EXPRESS".
8.00 ХАБАРИЛАР.
8.30 АНОНС.
8.35 ФУТБОЛ. ГЕРМАНИЯ ЧЕМПИОНАТИ.
10.20 "Спорт рекордлар".
10.25 "Орзулар кемаи".
10.35 АНОНС.
11.00 Чанги искукураши. Жаҳон

кубоги.
11.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
12.00 "SPORT-EXPRESS".
12.00 Чана спорти. Жаҳон кубоги.
13.50 "Техно-спорт".
14.00 ХАБАРИЛАР.
14.15 "Sport ensiklopediya".
14.20 "Шоҳруҳона йўл".
15.00 Даво. Гран при турнири.
16.15 Фигуралӣ ушчи. Гран при турнири.
17.25 Кўрсатувлар тартиби.
17.30 "Спорт сайберс".
17.50 "Техно-спорт".
18.00 ХАБАРИЛАР.
18.25 Оулақ. Халқаро турнир.
Турнирда - турнир олим кўрсатилди.
20.00 Оғир атлетика. Осиё кубоги.
21.25 "SPORT-MARKET".
21.30 ХАБАРИЛАР.
21.55 ИНТЕРФУТБОЛ.
23.40 "Либерупингнинг" оғтин даври". Хужағити фильм.
00.15 Профессионал бокс.
1.00 ХАБАРИЛАР.
1.25 Баскетбол.
2.35 Жаҳон кубоклариди: Биатлон. Тенниси.
4.40 - 5.50 Керлинг. Европа чемпинати.

1

04.00 Телеканал "Доброе утро"
07.00 08.00 11.00 14.00 23.50 02.00
Новости
07.05 "Поле чудес"
08.10 Контрольная закупка
08.35 "Жить здорово!"
09.35 Молитвн приговор
10.30 Факела
11.05 "Секрет вечеро"
11.35 Смак
13.40 "Время покажет"
15.20 "Мужское/Женское"
16.10, 01.50, 02.05 "Нашедине со всеми"
17.00 Вечерние новости
18.00 "Данай поженимся"
19.00 "Пусть говорят"
20.00 "Время"
20.30 Т/с "Соблазн"
22.20 "Вечерний Ургант"
22.50 "Полюс"
00.05 Х/ф "Как выйти замуж за миллионера-2".

РОССИЯ 1

05.00 "Утро России".
09.00 "Пропашина субмарина".
Твасети К-129.
09.55 Ток-шоу "о самом главном".
11.00, 14.00, 17.00, 20.00 Вести.
11.35, 14.30, 17.10, 19.35 Местное время. "Сестри Москва".
11.55 Т/с "Тайни следствия".
12.55 "Особый случай".
14.50 Вести. Декабрь. Часть.
05.00 Т/с "Сердце звезды".
16.00 Т/с "Пока станица спит".
17.30 Т/с "По горячим следам".
18.30 "Прямой эфир".
20.50 "Спокойной ночи, малыши!".
21.00 Т/с "Красивая жизнь".
23.50 "Декабрь по стране".
Михаил Жванецкий.
05.50 Т/с "Улицы разбитых фонарей".
05.50 "Комната смеха".

НТВ

05.00 "НТВ утром"
13.00 Россия, любовь моя!
13.30 Гении и злодеи. Александр Грин.
14.00 Д/ф "Тайная жизнь хищников".
14.50 "Пешком... Москва готическая".
15.20 "Прималонии мировой оперы. Ольга Боролдина".
16.05 "Кто там...".
16.35, 01.55 "Куда ведут Соловецкие лабиринты?".
17.25 Д/ф "Генерал Рошин, муж Маргариты".
18.20 "Контекст".
19.00 XV Международный телевизионный конкурс юных музыкантов "Щелкунчик".
20.30 "Война на всех оиди".
20.45 Х/ф "Гуинель".
22.50 Опера "Лючия ди Ламмермур".
01.15 Д/ф "Городское кунг-фу".
02.40 Д/ф "Аксум".

СТС

04.00 Мультифильми.
08.05 "Новые Робинзонс".
Приключенческая комедия. США, 1998 г.
10.00 Успеть за 24 часа. Реалити-шоу. Велуший - Александр Рогов.
11.00 Шоу "Уральских пельменей".
"Отгомти до заката".
12.30 Шоу "Уральских пельменей".
"Из грязи в страля".
14.00 "6 кадров".
14.30 "Монстры против пришельцев". Полнометражный анимационный фильм. США, 2009 г.
16.15 "Алжекия. Маркиса ангелов".
Приключенческая мелодрама. Франция, 2013 г.
18.25 "Принц Персии. Пески времени".
20.35 Шоу "Уральских пельменей".
"Вылезе паруса". Часть II.
21.35 "Большой вопрос".
Развлекательно-интеллектуальное шоу. Велуший - Василий Уткин".
22.35 "Новые Робинзонс".
00.30 "Животий смех".
Развлекательная программа.

ТВ3

06.00, 08.00, 05.45 Мультифильми.
07.30 "Школа докторов. Копировскова".
09.00 Огонь, вода и медные трубы".
10.45 Х/ф "Сердце дракона".
12.30 "Сфинкс".
15.00 Х/ф "Царь скорпионин".
16.45 Х/ф "Мушия. Гробница императора драконов".
19.00 Х/ф "Последний самурай".
22.00 Х/ф "Железный рыцарь".
00.30 Х/ф "Сфинкс".
03.00 Х/ф "Коронадо".
04.45 "Кто обманет Пегни и Теллера?".

Душанба

09.00 Панорама дня. LIVE
10.35, 01.55 Х/ф "ДМБ"
12.15, 00.55 "Эволюция"
13.45 Большой футбол
14.05 Биатлон.
15.40, 03.25 "24 кадра"
16.10, 03.55 "Трон"
16.40 "Освободители".
Морская пехота
17.30 Х/ф "Охота на
пиранью"
20.45 "Биатлон с Дмитрием
Губерниевым"
21.15, 23.45 Большой спорт
21.25 Хоккей. "Динамо" -
"Торпедо" Прямая
трансляция
00.05 "Полководцы России.
От Древней Руси до XX
века"
04.25 "Наука на колесах"
04.55 "Рейтинг Баженова".
Воина миров
05.25 Хоккей. КХЛ.
"Салават Юлаев" (Уфа)-
"Барыс" (Астана)
07.25 Х/ф "Тайная стража"

Сешанба

09.00 Панорама дня. LIVE
10.55, 01.55 Х/ф "ДМБ-
002"
12.15 "Эволюция"
13.45 Большой футбол
14.05 Т/с "В зоне риска"
17.35 "Освободители".
Танкисты
18.30 Профессиональный
бокс
20.20 Х/ф "След Пирани"
23.45 Большой спорт
00.05 "Полководцы России.
От Древней Руси до XX
века"
00.55 "Эволюция"
03.15 "Диалоги о рыбалке"
03.45 "Моя рыбалка"
04.25 "Дуэль"
05.25 Хоккей. КХЛ. СКА
(Санкт-Петербург)-"Амур"
(Хабаровск)
07.25 Х/ф "Тайная стража"

Чоршанба

09.00 Панорама дня. LIVE
10.55, 02.10 Х/ф "ДМБ-003"
12.15, 01.40 "Эволюция"
13.45 Большой футбол
14.05 Т/с "В зоне риска"
17.35 "Освободители". Пехота
18.30 Х/ф "Ключ саламандры"
20.25, 00.30 Большой спорт
20.35 "Биатлон с Дмитрием
Губерниевым"
21.05 Биатлон.
23.05 "Освободители".
Штурмовики
23.55 "Освободители".
Истребители
01.10 Плавание. Чемпионат
мира. Трансляция из Катар
03.30 Профессиональный
бокс. Евгений Гладков
(Россия) против Джейсона
Велеса (Пуэрто-Рико). Бой за
титул чемпиона мира по
версии IBF. Теренс Кроуфорд
(США) против Раймундо
Бельтрана (Мексика)
05.25 Хоккей. КХЛ. "Трак-
тор" (Челябинск)-"Ак Барс"
(Казань)
07.25 Х/ф "Тайная стража"

Пайшанба

09.00 Панорама дня. LIVE
10.55, 02.10 Х/ф "ДМБ-004"
12.05 "Эволюция"
13.45 Большой футбол
14.05 Т/с "В зоне риска"
17.40 "Освободители". Флот
18.35 Х/ф "Горячие новости"
20.40, 00.50 Большой спорт
21.05 Биатлон. Кубок мира.
Индивидуальная гонка.
Женщины
23.05 "Освободители".
Воздушный десант
23.55 "Освободители".
Танкисты
01.15 Плавание. Чемпионат
мира. Трансляция из Катар
01.40 "Эволюция"
03.25 Профессиональный
бокс.
05.30 "Полигон". Ангара

06.30 "Рейтинг Баженова".
Воина миров
06.55 "Моя рыбалка"
07.25 Х/ф "Тайная стража"

Жума

09.00 Панорама дня. LIVE
10.45 Х/ф "Горячие
новости"
12.45 "Эволюция"
13.45 Большой футбол
14.05 Т/с "В зоне риска"
17.35 "Освободители".
Кавалеристы
18.30 "Освободители".
Горные стрелки
19.20 Х/ф "Поэзия
"Стая". Экспедиция"
21.15 Х/ф "Поэзия
"Стая". Возращение в
прошлое"
23.10 "Полководцы России.
От Древней Руси до XX
века"
23.55 Большой спорт
00.15 Плавание. Чемпионат
мира. Трансляция из Катар
00.45 IX Церемония
награждения премией
Паралимпийского комитета
России
02.00 Х/ф "Ключ саламан-
ды"
03.50 "Эксперименты".
Экстремальный холод
04.20 "Эксперименты".
Лазеры
04.50 Хоккей.
06.50 Профессиональный
бокс.

Шанба

09.00 Панорама дня. LIVE
10.05 "Диалоги о рыбалке"
10.35 "В мире животных"
11.05 "Непростые вещи".
Шина
11.35 "Наука на колесах"
12.05 Х/ф "Ключ саламандры"
14.00, 17.55, 23.35 Большой
спорт
14.20 "24 кадра"
14.50 "Трон"
15.20, 18.35 Биатлон.

16.55 "Полигон". Зенитно-
ракетный комплекс "Тор"
18.05 "Биатлон с Дмитрием
Губерниевым"
20.00 Х/ф "Поэзия
"Стая". Переворот"
21.45 Х/ф "Поэзия
"Стая". Провокация"
23.55 Плавание. Чемпионат
мира. Трансляция из Катар
00.25 "Дуэль"
01.30 Профессиональный
бокс.
04.00 "За гранью". Жизнь
после нефти
04.30 "Как оно есть". Масло
05.25 "За кадром". Тува
06.25 "Максимальное
приближение".
07.00 Смешанные единобор-
ства.

Якшанба

09.00 Панорама дня. LIVE
10.05 "Моя рыбалка"
10.35 "Язв против еды"
11.05 "Рейтинг Баженова".
Воина миров
11.35 Х/ф "Горячие
новости"
13.35 "Армия. Естественный
отбор"
14.05, 18.15 Большой спорт
14.20 "Биатлон с Дмитрием
Губерниевым"
14.50 Биатлон.
15.45 Х/ф "Slove. Прямо в
сердце"
17.25 Биатлон.
18.55 Хоккей.
21.15 Х/ф "Поэзия
"Стая". Обмен"
23.05 Х/ф "Поэзия
"Стая". Охота на миллиард"
00.50 Биатлон. Кубок мира.
Трансляция из Швеции
02.25 Большой футбол
03.10 Плавание.
03.40, 04.10 "Основной
элемент".
04.35 "Человек мира".
Венгрия
06.00 "Мастера". Спасатели
06.55 "Максимальное
приближение". Париж
07.20 Х/ф "Тайная стража"

Табриклайди!

"Ўзбекистон почтаси" АЖ Андижон филиали ва филиал касабаси уюшмаси кўмитаси жамоалари филиалнинг Куйтағёр почта ўлокаси тармоғи бош ҳисобчиси **Гулҳади АБДУЛЛАЕВ**ни 50 ёши билан табриклайди. Унга муштақам соғлиқ, узоқ умр, оилавий хотиржамлик тилайди.

"Ўзбекистон почтаси" АЖ Фарғона филиали жамоаси Қўқон ва Фарғона ШПАТ, Яйпан ва Водия ПАТ ҳодимлари **Мавлуда ТУГАНОВА**, **Валентина КЛЮШНИК**, **Воҳиджон ҲАСАНОВ** ва **Ҳошимжон ОЛИМОВ**ларни 50 ёшлари билан муборакбод-этиди. Уларга соғомонлик, узоқ умр, тилайди.

"Ўзбектелеком" АК Сурхондарё филиали жамоаси Шеробод телекоммуникациялар боғламаси бошлиғи **Азамат САТТОРОВ**ни 60 ёши билан табриклайди. Унга сийҳат-саломатлик, узоқ умр тилайди.

ТВ-дастурлар «Садо» МЧЖ томонидан тақдим этилди.

Оққўрғон туманидаги касб-ҳунар коллежларидан бирида Ўзбекистон алоқа ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши ташаббуси билан давра суҳбати ўтказилди.

Мазкур кенгаш аппарат ходимлари, алоқа корхоналарининг Тошкент вилояти филиаллари ва бошланғич ташкилотлари раҳбарлари, Оққўрғон

Касаба уюшмалари ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ва манфаатларини ифода этадилар ва химоя қиладилар. Касаба ташкилотларига аъзо бўлиш ихтиёрийдир.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, XIII боб. 59-модда.

Ижтимоий шериклик самараси

тумани алоқа боғламалари касба уюшмаси аъзолари иштирок этган тадбирни Ўзбекистон алоқа ходимлари Республика кенгаши раиси Асрор Ишанходжаев очиб, кенгаш томонидан тизимдаги бошланғич касба уюшмаси ташкилотлари фаолияти самарадорлигини янада ошириш, иш жараёнида ҳамда ходимларнинг ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий манфаатларини химоялаш борасида юзага келатган муаммоларнинг жойларда ҳал этилишини ташкиллаштириш, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий йўналишларидан келиб чиқадиган касба уюшмалари фаолиятининг устувор йўналишларига қаратилган қатор ишларнинг амалга оширилиши юзасидан сўз юритди.

Хусусан, Ўзбекистон касба уюшмалари федерация Кенгаши томонидан қабул қилинган қарорлар асосида Ўзбекистон алоқа ходимлари касба уюшмаси тузилмасида бошқаруви икки бўғимли тизимда фаолият кўрсатиб келган касба уюшмаси ташкилотларини оптималлаштириш билан уларнинг фаолиятларини такомиллаштириш ишлари амалга оширилди.

Худудларда фаолият юритиб келган бирлашган касба уюшмаси кўмиталари ўрнига янги 26та бошланғич касба уюшмаси ташкилоти тузилди. Ҳозирги кунда Республика кенгаши 185та корхона, ташкилот ва муассасалар бошланғич касба уюшмаси ташкилотлари билан тўғридан-тўғри иш олиб бормоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон касба уюшмалари федерацияси Кенгаши, Ўзбекистон савдо-саноат палатаси ўртасида 2014-2016 йилларга мўлжаллан-



ган Бош келишувда белгиланган вазифаларни амалга ошириш борасида янги таҳрирдаги Тармоқ келишувига ходимларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий манфаатлари химоясини таъминлаш, аёллар ва ёшлар учун қўшимча кафолатларни киритиш, тармоқда ижтимоий тотувлик ва барқарорликни сақлаб туриш ишларида амалий ҳамкорликни давом эттириш, янада ривожлантириш ва такомиллаштириш тадбирлари киритилди.

Янги таҳрирдаги Тармоқ келишуви негизда "Маъбуот тарқатувчи" АК билан Тариф келишуви, "Ўзбектелеком" АК билан Ягона жамоа шартномаси қайта ишлаб чиқилди ҳамда амалга киритилди.

Давра суҳбатида Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат кўмитаси ва Республика кенгаши ўртасида ижтимоий шериклик асосида амалга оширилатган ишлар, Тармоқ, Тариф келишувлари ва Ягона жамоа шартномасининг мазмун-моҳияти, меҳнат

шартномаларини тузиш ва ўзгартириш тартиби, "Ўзбектелеком" АК ва "Ўзбекистон почтаси" АЖ Тошкент филиаллари бошланғич касба уюшмаси ташкилотининг фаолияти ва келгусидаги вазифалари тўғрисида батафсил сўз юритилиб, қатор вазифалар белгилаб олинди.

"Ўзбектелеком" АК Тошкент филиали Оққўрғон телекоммуникациялар боғламасида мижозларга сифатли хизмат кўрсатиш ҳамда ходимлар меҳнат шароитини яхшилаш мақсадида 17 млн. сўм маблағ сарфланиб, 11 нафар электромонтёрни махсус кийим-бош ва оёқ кийим билан таъминлашга 1 млн. 206 минг сўм сарфлангани, Оққўрғон почта алоқаси тармоғи ходимларини ижтимоий химоялаш учун 34 нафар ходимга навбатдаги меҳнат таътилига чиқиш арафасида 14 млн. 739 минг сўмлик моддий ёрдам, 47 нафар ходимга соҳадаги узлуксиз меҳнат стажи учун 15 млн. 550 минг сўм қўшимча ҳақ тўланганлиги алоҳида қайд этилди.

Тадбир давомида Ўзбекистон алоқа ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши бош мутахассиси Ю.Ғафуров, бош юрисконсулти А.Аҳмедов, "Ўзбектелеком" АК Тошкент филиали касба уюшмаси кўмитаси раиси Э.Сайидов, "Ўзбекистон почтаси" АЖ Тошкент филиали касба уюшмаси кўмитаси раиси А.Салаевлар ҳам сўзга чиқишди.

Давра суҳбати жараёнида ишда фидойиллик кўрсатаётган бир қатор фаоллар Ўзбекистон алоқа ходимлари Республика кенгашининг махсус эътибори билан Фахрий ёрлиғи билан тақдирландилар.

Махлиё УМИРЗОҚОВА,
ЎзДЖТУ халқаро журналистика факултети
1-босқич талабаси

"Ўзбектелеком" АК ва Ўзбекистон алоқа ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши ўртасида 2014 - 2016 йиллар учун тузилган Ягона жамоа шартномасининг тегишли бандларида уч ёшгача фарзанд тарбиясида банд бўлган аёлларга бир қатор имтиёزلар белгиланган. Мазкур шартноманинг 13-боб 13.1-банди ижросини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг ўтган даври мобайнида уч ёшгача фарзанд тарбияси билан машғул бўлган филиал аёлларидан 5 нафари учун иш куни бир соатга қисқартирилганлиги ана шундай энгиллик ва имтиёزلардан ҳисобланади.

Корхона маблағлари ҳисобидан кўтган давр ичида ана шундай мақсадлар учун жами 1 млн. 162,7 минг сўм ажратилганлигини шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоиз. Ягона жамоа шартномасининг 13-боб, 13/5-бандига асосан эса фарзанди уч ёшгача бўлган ва айна пайтда ишламаётган 11 нафар аёлга энг кам иш ҳақининг 50 фоизи миқдориди, яъни 2 млн. сўмга яқин маблағ тўланганлиги ҳам эътиборга сазовор. Вилоятдаги бир қатор касб-ҳунар коллежларининг филиалда ўқув амалиётини ўтаган олти нафар ўқувчисига энг

Эътибор



кам иш ҳақининг 20 фоизи миқдориди — жами 120 минг сўм, коллеж битирувчиларидан тўрт нафарига эса энг кам иш ҳақининг 50 фоизи миқдориди — жами 216 минг сўм маблағ филиал касба уюшмаси кўмитаси томонидан тўланди.

Жорий йилнинг март ойида филиал меҳнат жамоаси аъзолари иш-

тирокида "Соғлом бола — миллат таянчи", июл ойида эса "Ёш алоқачи" болалар оромгоҳида "Соғлом бола — юрт таянчи" мавзуларида ўтказилган давра суҳбатлари давомида мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза этиш, жумладан, бир қатор касалликларнинг олдини олиш бўйича худудларда амалга оширила-



ётган профилактик чора-тадбирлар хусусида батафсил сўз юритилди. Давра суҳбатларида филиал ходимлари ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш йўналишида кейинги йилларда олиб борилган ишлар бўйича атрофлича фикр алмашилди. "Ёш алоқачи" оромгоҳида биргина жорий йил соғломлаштириш мавсумида вилоят алоқа ходимларининг жами 440 нафар ўғил-қизи ёзги таътили мазмуни ва мароқли ўтказиб, навбатдаги ўқув йилига янги куч-ғайрат билан киришдилар. Даволанишга эҳтиёж сезган ёки кўнгилли дам олиш тараддулида бўлган филиал ходимларидан 18 нафарига юртимизнинг сўлим гўшаларида жойлашган "Оқтош", "Чинобол", "Бўстон", "Чортоқ", "Ситораи Моҳи Хоса" сингари сўхаттоқлар ва "Сўқоқ" дам олиш масканига йўлланмалар берилди. Ушбу йўлланмаларнинг ўнтаси ижтимоий сўғурта маблағидан олинган бўлса, тўрттаси касба уюшмаси бюджетидан ҳисобидан қопланди. Кўп йиллик иш стажига эга бўлган тўрт нафар ходимга "Ўзбектелеком" АК томонидан "Оқтош" сўхаттоқига бепул йўлланмалар ажратилганлиги ҳам эътиборга молик.

Асқар ИСТАМОВ,
"Xabar"нинг Бухоро
вилоятидаги мухбири

“ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ” АК

**“ТОШЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН
ТАРМОҒИ” ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ****Конституциямизнинг****22 йиллиги билан юртдошларимизни
муборакбод этади.****Юртимиз тинчлигига кўз тегмасин!**

“ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ” АК

**“ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ
ТРАНСПОРТ ТАРМОҒИ”****филиали жамоаси****Бахтимиз қомуси — Конституциямизнинг
22 йиллиги муносабати билан барчага
энг эзгу тилакларини изҳор этади.****Байрамингиз қутлуғ бўлсин,
азиз юртдошлар!****“РАДИОАЛОҚА, РАДИОЭШИТТИРИШ
ВА ТЕЛЕВИДЕНИЕ МАРКАЗИ” ДУҚ ЖАМОАСИ****Конституциямизнинг
22 йиллиги муносабати билан
юртдошларимизни
қизгин табриклайди.****“ЭЛЕКТРОМАГНИТ МОСТАШУВ
МАРКАЗИ” ДУҚ ЖАМОАСИ****Юртдошларимизни
яқинлашаётган 8 декабр —
Конституциямиз қабул қилинган
кун билан самимий қутлайди.****Ватан ободлиги, гуллаб-яшнаши йўлидаги
бунёдкорлик фаолиятингизда зафарлар тилаймиз!**

Жорий йилнинг 21 декабрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, шунингдек вилоят, туман ва шаҳар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловлар бўлиб ўтди. Бу сайловларда фаол иштирок этиб, халқнинг муносиб вакиллари учун овоз бериш юртимизда истиқомат қилувчи барчанинг фуқаролик бурчидир.

Бурчимиз

Бугунги кунда сайловли тайёргарлик ишлари авж паллага кирган. Республикада фаолият кўрсатаётган тўртта сиёсий партия — Ўзбекистон халқ демократик, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик ҳамда "Адолат" социал-демократик партия-

лари ўз номзодларини омма эътиборига ҳавола этмоқдалар. Биз сайловчиларнинг вазифаси эса номзодлар ичидан энг муносибларини ажратиб, улар учун овоз беришдир. Негаки, юртимизнинг эртанги истиқболи кўп жиҳатдан биз сайлаган депутатларнинг онги, тафаккури, юрт иши, жамият ривожи учун фидойилигига, эл ман-

фаатини ҳар қандай манфаатдан устун қўйишига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Шундай экан, азизлар, ўз фуқаролик бурчимизни тўлиқ адо этган ҳолда, муносибларнинг ҳам энг муносиблари учун овоз берайлик!

Ваҳобжон МАЛИКОВ,
ЎзМУ 4-босқич талабаси

НАМКASBLARIMIZ

Ҳар бир жамоада ўзига хос интилувчан, ташаббускор, ғайратли кишилар кўплаб топилди. Ҳикоямиз қаҳрамонлари ҳам ўшандай хислатларга эга, мақтаса арзигулик инсонлар — жиззахлик алоқа ходимлари.

Улар билан фахрланишади

Ҳакимқул Содиқов асл Жиззах фарзанди. Салкам олтмиш ёшни қаршилаган қаҳрамонимиз жуда тетик, бардам, баққуват. 1976 йилда Ҳакимқул ака "Ўрда" алоқа боғламасида почтачилик қилган. Сўнг Жиззах тумани алоқа боғламасида почта оператори, Жиззах шаҳар электралоқа боғламасида техник, катта техник каби юмушларни бажарган.

Ҳакимқул ака айти пайтда "ЎзИ-Жиззах" филиали шаҳар телефон тармоғи бошлиғи вазифасида меҳнат қилмоқда.

— Тўрт нафар фарзандим бор. Турмуш ўртоғим Шаҳодат Содиқова ҳам алоқачи бўлиб хизмат қилган. Икки қиз чиқарганман. Келин туширдик. Алоқа соҳасини танлаб кам бўлганимиз йўқ. Элу юрт хизматидамиз. Муҳими, ишимиздан одамлар рози. Шогирдлар тарбиялаяпмиз. Маҳмуд Абдуллаев, Шароф Турдиев, Бахтиёр Бобонов, Комил Абдурашулов каби ёш алоқа ходимлари касб сир-асрорларини пухта эгаллашга ҳаракат қилишяпти.

Кўпни кўрган, кўпнинг дуосини олган — Владимир Ишнев ҳам "ЎзИ-Жиззах" филиалида "оқсоқол" алоқачилардан саналади. Владимир Мелиқуловичнинг мутахассислиги қурувчи муҳандис. Асли Самарқанд вилоятининг Нарпай туманида туғилган Владимир ака бахтини

Жиззахдан топди. Турмуш ўртоғи Моҳира Ишьева билан уч нафар фарзандни тарбиялаб вожага етказишди. Ўқитиб-ўргатиб, тўғри тарбия беришди. Моҳира опа ҳам алоқа тизимида меҳнат қилган, ҳозир нафақала, набиралар қуршовида. Владимир ака турли қурилиш тақшилотларида меҳнат қилди. Мана ўн беш йилдирки, "ЎзИ-Жиззах" филиали лойиҳалаш, капитал қурилиш ва кадастр бўйича менежер вазифасида меҳнат қилиб келмоқда.

Холбой Нориев корхонанинг илғор, фидойи электромонтёрларидан. Жиззах туманининг машҳур Олмачи қишлоғида истиқомат қилади. Олмачи қишлоғидан кўнлаб алоқа соҳаси раҳбарлари, ишчи-хизматчилари етишиб чиққан. Ҳайдар Хусанов, Исмаиёр Кўкиев, Баҳодир Эргашев, Мурод Бобомуродов, "ЎзИ-Жиззах" филиали хўжалик ишлари мудири Нишон Пармонов каби ўз касбининг фидойи усталари шу қишлоқ фарзандлари. Уларнинг ҳар бири, қайси бир соҳада меҳнат қилмасин, эл ҳурматидаги одамлардир...

Хонаси келганда айтиш лозим, "ЎзИ-Жиззах" филиали касабга уюшмаси кўмитаси раиси Тожибой Пардаевни алоқачилар ҳурмат қилишади, иззатини жойига қўйишади. Тожибой ака Зоминнинг "Қарапчи" элидан. Алоқа соҳасида меҳнат

қилиб, шаҳарда, вилоятда томир олди... Шу ерда палак ёзди...

— Алоқа корхонасидаги ишчи-хизматчиларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларга маънавий ва моддий ёрдам бериш, рағбатлантириш, соғлиқларини тиклаш каби юмушларни баҳоликудрат амалга оширяпмиз, — дейди Тожибой Пардаев. — Корхонамида меҳнат қилаётган алоқачиларнинг 75 нафар фарзанди Зоминдаги "Алоқачи" болалар оромгоҳида ҳордиқ олишларини таъминладик. Ёш алоқачиларимиздан Сардор Носировга жамоа шартномаси асосида ссула (кредит) олишига кўмаклашдик. Яна ёш оилалардан Фарҳод Раҳмоновга энг кам иш ҳақининг ўн баробари миқдорига моддий ёрдам кўрсатдик.

Булардан ташқари, корхона ишчи-хизматчиларига Тошкент шаҳридаги "Турон" сўхатгоҳига йўлланма бериш орқали саломатликларини тиклашга ёрдам берапмиз.

"ЎзИ-Жиззах" филиалида меҳнат қилаётган ҳамкасблари билан корхона аҳли фахрланади. Булар қаторида илғор алоқа ходимлари, фахрийлари жуда-жуда кўп. Биз уларнинг фақат айримлари ҳақида сўзладик, холос.

Норкул МАЪМУР,
"Xabar"нинг Жиззах
вилоятидаги мухбири

QUTLOV

Меҳрибон устоз



Шундай одамлар борки, вақтининг ҳар сониясини илм ўрганишга, ўрганганларини ўргатишга сарфлашади. Шундай инсонлардан бири Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган иxtирочи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими, техника фанлари доктори, профессор Мухсинжон МУҲИТДИНОВ 70 ёшга тўлди.

Мухсинжон Мухитдинов зиёли оилада таваллуд топган.

Ўрта мактабни тугатиб, 1963 йили Москва электротехника алоқа институтига ўқишга кирган М.Мухитдинов олийгоҳни битириб, бир йил Фарғона политехника институтига дарс берди ва яна Москвага қайтиб аспирантурада таҳсил олди. Номзодлик диссертациясини ҳимоя қилгач, техника фанлари номзоди сифатида қадрдон жамоасига қайтди. У ерда турли раҳбарлик вазифаларида, сўнгра республика Вазирлар Маҳкамасида сектор мудири бўлиб ишлади.

Саккиз йил Давлат тест маркази директори, 2003-2005 йиллар давомида Олий аттестация комиссияси раиси, сўнгра бир неча йил "UNICON.UZ" ДУК директори ўринбосари вазифаларида фаолият юритди. Айни пайтда Радиотехника, электроника ва алоқа илмий-техник жамияти раиси ўринбосари вазифасида меҳнат қилмоқда.

Соҳага оид 50га китоб, 100дан ортиқ иxtиро, 400га яқин илмий мақолалар муаллифи. 30 нафар фан номзоди, икки нафар фан докторининг сеvimли устози.

Мухсинжон аканинг доимо фаол ва бардам юришида кўпчилик ҳавас қилса арзийдиган оиласи — рафиқаси, умрини педагогика соҳасига бахшида этган Мухаббатхон ая, хуқуқшунос ўғли Мавлонжон, шифокор қизи Нафосатхон ҳамда кенжа ўғли, Санкт-Петербургдаги ахборот технологиялари университетини битириб, ҳозир дастурчи бўлиб ишлаётган Манзуржонларнинг ҳиссалари катта.

Барча алоқачилар қатори биз ҳам таниқли олим, ёшларнинг сеvimли устози Мухсинжон Мухитдиновни нурунийлик фасли билан табриклаймиз, эзгу ишларига ривож, ижодий барака тилаймиз.

М.ИДРИСҲЎЖАЕВА

“ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ” АК

**АНДИЖОН ФИЛИАЛИ
ЖАМОАСИ**

*Конституциямизнинг
22 йиллиги муносабати билан
юртдошларимизга энг эзгу
тилакларини йўлайди.*



Юртимиз тинчлигига кўз тегмасин!

“ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ” АК

**СИРДАРЁ ФИЛИАЛИ
ЖАМОАСИ**

**ИСТИҚЛОЛИМИЗ КАФОЛАТИ БЎЛГАН
КОНСТИТУЦИЯМИЗ ҚАБУЛ
ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ 22 ЙИЛЛИГИ
билан барчани муборакбод этади.**




*Юртимиз шухрати
бундан-да юксалаверсин!*

Қадри юртдошлар!

**Барчангизни Асосий қонунимиз –
Конституциямиз қабул қилинганлигининг
22 йиллиги билан қўтаймиз.
Сизларга энг эзгу тилакларимизни
йўллаб қоламиз!**

“ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ” АК

**ФАРҒОНА ФИЛИАЛИ
ЖАМОАСИ**

“ЎЗБЕКISTON ПОЧТАСИ” АЖ

**НАМАНГАН ФИЛИАЛИ
ЖАМОАСИ**

**Юртдошларимизни шонли сана –
Асосий қонунимиз
қабул қилинганлигининг 22 йиллиги билан
самимий табриклайди.**



Тенглар ичра тенг Ватанимиз равақ топаверсин!

Қиш — имтиҳон фасли

Табиат фасллари орасида қишнинг ўрни бўлакча. Энг муҳими, у синоббахшлиги билан ажралиб туради. Шунинг учун филиалимиз таркибидagi боғламаларда ҳар йили мавсумолди ишлари ўз вақтида олиб борилади. Жумладан, 2014-2015 йиллар куз-қиш мавсумига тайёр-гарлик бўйича белгиланган тадбирлар ижросига алоҳида эътибор берилди.

Биргина Денов телеком-муникациялар боғламасида 97 миллион сўмлик таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Боғлама идораси томи янги қурилиш материаллари билан ёшилди.

Филиалнинг барча боғламаларида иситиш қозонлари ва йўллари назоратдан ўтказилди. Баъзи туманларда жорий таъмирлаш ишлари бажарилди.

Электр энергиясини етказиш йўллари, ундан фойдаланиш воситалари мутахассислар иштирокида кўриқдан ўтказилди, яроқсиз деб топилган жойлар таъмирланди. Вилоятимиздаги ҳар бир телекоммуникациялар боғламасида дизел генераторлар бор. Бу техникадан электр энергияси таъминотида узил-шиллар бўлган чоғларда фойдаланилади. Уларнинг қиш да-

рида ҳам унумли ишлаши учун дизел ёнилғиси захираси яратиб қўйилди.

Донишмандлар қишни "имтиҳон фасли" деб бежиз айтишмаган. Биз мавсумга тайёргарлик жараёнида айна шу нақдга имкон қадар амал қилдик.

Эркин ВОҲИДОВ,
"Ўзбектелеком" АК Сурхондарё филиали бўлим бошлиғи

Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси

Маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги "Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 458-қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низомнинг 49-бандига асосан: "O'ZBEGIM SHODLIGI" хусусий корхонасининг (Жиззах вилояти) аризасига мувофиқ ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига 2010 йил 16 февралда берилган АА серияли 0003135 рақамли;

"ISHONCH" масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига 2012 йил 5 июлда берилган АА серияли 0004108 рақамли;

"DON LAY-BIZNES" масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига 2010 йил 30 мартда берилган АА серияли 0003187 рақамли;

"PHOTOEFFEKT MAGIC STYLE" хусусий корхонасининг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига 2012 йил 13 апрелда берилган АА серияли 0004037 рақамли;

"FAR INTER GARDEN" масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига 2011 йил 22 июлда берилган АА серияли 0003739 рақамли;

"KOMOL-FRANT" масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига 2011 йил 26 августда берилган АА серияли 0003810 рақамли;

"AFRODITA INVEST" хусусий корхонасининг (Жиззах вилояти) аризасига мувофиқ ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига 2011 йил 15 декабрда берилган АА серияли 0003933 рақамли лицен-

зияларнинг амал қилиши 2014 йил 24 ноябрдан тугатилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги "Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 458-қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низомнинг 23 ва 52-бандига асосан "MODERN PLATINUM INVEST" масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент вилояти) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини қуриш бўйича фаолиятига 2014 йил 18 июлда берилган АА серияли 0005083 рақамли лицензия бекор қилинди.

Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси Бухоро вилояти ҳудудий бошқармасининг 2014 йил 23 октябрдаги 23-03-71-сонли хатига асосан "MASTERSOFT-BUKHARA" масъулияти чекланган жамияти ўз фаолиятида "Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги қонуннинг 3-моддаси 2 ва 5-хатбошини, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги 458-қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низомнинг 31-бандини, Жамоат фойдаланиш жойларида Интернет тармоғидан ахборот олиш имконини бериш тартиби тўғрисида низомнинг (2004 йил 30 июл 1393-сон билан Адлия Вазирлигидан рўйхатдан ўтказилган) 7 ва 12-бандлари, 17-бандининг а) ва ж) бандостиларини ҳамда "MASTERSOFT-BUKHARA" МЧЖга 2011 йил 27 июлда берилган АА серияли 0003777 рақамли лицензия шартномасининг 2-бўлими 8-хатбошини ҳамда 3.5.2; 3.7; 4.1; 4.9; 4.10; 4.13; 5.3; 5.5-бандлари талабларини бузганлиги учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги 458-қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низомнинг 45-бандига асосан "MASTERSOFT-BUKHARA" масъулияти чекланган жамиятининг (Бухоро ш.) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига 2011 йил 27 июлда берилган АА серияли 0003777 рақамли лицензиянинг амал қилиши 2014 йил 25 ноябрдан 10 иш кунига тўхтатилди.

Ёнгининг келиб чиқиш сабаблари турлича. Айниқса, болаларнинг ўйинқароқлиги оқибатида содир бўладиган ёнгинлар жуда хавфли. Шундай ота-оналар борки, улар безътиборлик ва масъулиятсизлик тўғрисида, фарзандлари ёш бўлишига қарамай, уларни ёлғиз ўйда қолдириб кетишади, ҳатто гугуртларни улар қўли етмайдиган жойларга яширишни ҳам унуттишади.

Гугурт ўйнаётган бола кимники?

Тошкент шаҳри Чилонзор тумани, Гулистон маззеси, 50-уй, 75-хонадон соҳиблари Махаматқобиловлар ҳам кўпинча икки ёш фарзандларини уйда ёлғиз қолдиришар эди. Ахир кўза кунда эмас, кунда синади, дейишади-ку! Ушбу хонадонда 2010 йил 20 ноябр кунини жуда нохуш воқеа содир бўлди. Ота-она Махаматқобиловлар ёнгин хавфсизлиги қондаларини бузиб, икки ёш фарзандларини уйда ёлғиз, назоратсиз қолдириб, улар устидан эшикни қулфлаб, тирикчилик қилишга кетишди. Фарзандлар Улўбек 7 ёш, Ойбек эса 4 ёшда эди. Улар уйда ёлғиз, ўйинқароқлиги, шўхлиги сабаб гугурт ўйнай бошлашди. Гугурт Улўбекни қўлидан гиламга тушиб, гилам ва ундан кейин уй-жиҳозлари ҳам ёна бошлади. Икки ёш бола бу ҳолни кўриб, қаттиқ қўрқиб кетишди ва ошхонадаги идиш-товуқ сақланадиган жавон остига беркинишди. Уй куюқ қора тутунга тўлди. Болалар тутундан димкиб, бўғилиб, ҳўшларидан кетдилар. Қора тутун йўлақларга тарқалди, бундан хабар топган кўшчилар ёнгин хавфсизлиги хизматига кўнғироқ қилдилар. Ёнгин хавфсизлиги хизмати ёнгин содир бўлган жойга тезда етиб келишди, лекин эшик ва деразаларни очиш қийин бўлганлиги сабабли аначагача ичкарига кира олмадилар. Ёнгин учирувчилар хонадонга кириб, болаларни қўтқариб, тез ёрдам орқали шифохонага олиб бордилар, лекин энди кеч бўлган эди. Болалар шифохонада оламдан кўз юмди.

Содир бўлаётган ёнгинларни таҳлил қиладиган бўлсак, бунга асосан ота-оналарнинг болаларни қаровсиз қолдиришлари, шунингдек, ёш болаларнинг гугурт, пиротехника воситалари билан ўйнашларини кўриб туриб, эътибор бермасликлари оқибатида жуда кўп бахтсиз ҳодисалар юз бермоқда.

Д.ХУСАНОВ,
Чилонзор тумани ИИБ ЁХБ
кичик инспектори, сафдор

E'LON

Шайхонтоҳур туманидаги Ўқув даволаш комплекси — тиббиёт коллежи томонидан Гулнора МАҲМУДОВА номинга 2006 йилда берилган К:534573 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

"Ўзбектелеком" АК Қашқадарё филиали жамоаси Қамани телекоммуникациялар боғламаси линия хўжалиги муҳандиси
Аҳмаджон ЗОКИРОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия изҳор этади.



Шеъримиз маликаси

Зулфияхоним бетақорор истеъдоди, Ватанга муҳаббат, вафо ва садоқат туйғусини, олижаноб инсоний фазилатларни юксак пардаларда тараннум этган етук бадий асарлари, ибратли ҳаёти ва ижтимоий фаолияти билан миллий адабиётимиз ва маданиятимиз ривожига, халқимиз маънавиятини юксалтиришга улкан ҳисса қўшган ижодкордир.

Хар йили баҳорнинг илк кунда халқимизнинг ардоқли шоираси Зулфияхоним таваллуд айёми кенг нишонланади. 2014 йил 31 октябр куни Президентимиз Ислоҳ Каримов "Ўзбекистон халқ шоири Зулфия таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги қарорни имзолади.

Қарорда шоиранинг ўзбек тилида "Сайланма" асарларини, инглиз ва қорақалпоқ тилларига таржима қилинган шеърини тўпламларини, "Зулфия замондошлари хотирасида" китобини чоп этиш ҳамда шоиранинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида ҳужжатли филм яратиш белгилаб қўйилган.

Шу билан биргаликда, қарорда:

- Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Наво-

ий номидаги Тил ва адабиёт институтида "Мустақиллик даври адабиётида Зулфия ижодининг аҳамияти" мавзусида илмий конференция ўтказиш;

- мамлакатимиздаги олий ва ўрта махсус, касб-хуна, умумий ўрта таълим муассасалари, ҳарбий қисмлар, меҳнат жамоалари ва маҳаллаларда таълиқли адиб ва олимлар, санъаткорлар иштирокида учрашувлар, адабий кечалар ташкил этиш;

- 2015 йил март ойида Тошкент шаҳридаги

■ 2008 йил, 1 март куни пойтахтимизда Ўзбекистон халқ шоираси Зулфиянинг ҳайкали очилди. Юртбошимизнинг "Муносиб ва меҳнатқаш, ҳаётнинг ҳар қандай сурун ва тўфонлари қаршисида ўзини йўқотмай, сабр-тоқат ва шукроналик билан яшайдиган ўзбек аёли, ўзбек шоирасининг тимсоли акс этиши керак," деган ғояси ҳайкалтарош Равшан Миртожиев ишлаган ҳайкалда тўла ифода этилган.

"Бахтим шул — ўзбекнинг Зулфиясиман"

*Эъозлар, ардоқлар учун ташаккур,
Асли сиз офтобим, мен зиёсиман.*

*Тонгларингиз кулсин дориломон, ҳур
Бахтим шул — ўзбекнинг Зулфиясиман.*

"Ўзбекистон почтаси" АЖ Фарғона филиали мажлислар залида Ўзбекистон халқ шоири Зулфия таваллудининг юз йиллигига бағишланган маънавий-маърифий тадбир ана шундай жарангдор сатрлар билан бошланди. Тадбирда почта соҳаси ҳамда "Ўзбектелеком" АҚ Фарғона филиали раҳбарлари, муҳандис, ишчи-ҳодимлари иштирок этидилар.

Мамлакатимизда мустақил фикрловчи, ватанпарварлик туйғуси кучли, истиқлол ғояларига садоқатли, миллий қадриятларимизга ҳурмат билан қаровчи соғлом ва баркамол авлодни камолга етказишга катта аҳамият бериб келинмоқда. Бунда илм, фан, адабиётда ўчмас э қолдирган буюк аждодларимиз ҳаёти ва фаолияти улкан мактаб бўлиб хизмат қилади. Достонлари, балладалари, ҳикоялари,

публицистик мақолалари билан халқ дилидан ўрин олган, буюк шоирлар Нодирабегим ва Увайсий анъаналарини давом эттирган шоира Зулфия Исроилова ҳам улар қаторидан муносиб ўрин эгаллашга сазовор бўлган, "Вафо ва садоқат куйчиси" дея эҳтиром қозонган эди. Юртбошимиз ташаббуси билан 1999 йилда Зулфия номидаги Давлат мукофотининг таъсис этилиши ҳам олий мақсадларга — қизларимизнинг иқтидорини юзага чиқариш, ўз имкониятларини кенгроқ намойиш этиш ва уларни ҳар томонлама рағбатлантиришга қаратилгандир. Бугунги кунда Зулфия издошлари республикада 212 нафарга эди. Уларнинг 14 нафари эса фарғоналик эканлиги дилларни нурафшон айлайди. Уларнинг камолини кўриб, шоира ўзининг назм боғи хуусида "Бу боғлар — бир боғлар бўлади

ҳали" дея башорат қилганига яна бир бора амин бўласиз.

Яқинда Зулфия издошлари кўрик-танловда вилоятимизнинг турли шаҳар ва туманларидан келган салкам 80 нафар қиз ўз истеъдолларини намойиш этди. Уларнинг орасида Зебо Худойбердиева, Нозима Ҳамроалиева, Умида Абдурахимова, Муштарий Курбоновалар бор.

— Бир-бирдан доно, зукко, истеъдолли қизлар, — деди ушбу танлов ҳайъати аъзоси, шоира Ойдин Темурова. — Президентимизнинг "Ўзбекистон халқ шоири Зулфия таваллудининг юз йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги қарори ҳам шоира истеъдодига яна бир эътироф бўлди. Зотан, шоира ижоди миллий, маънавий меросимизнинг ажралмас қисмидир. Пойтахтимизда шоира Зулфия ҳайкали очилган кунларда кўнглим осмон қадар юксалган эди. Ҳар йили навниҳол Зулфиялар шоира ҳайкали пойига анвойи гулларни қўйишга бахт сонъяларида ўзимни худди улар сафида бордек масрур сезаман. 1994

йилда шоира "Дўстлик" ордени билан тақдирланганида "Жуда кўп мукофотлар, сийловлар олганман. Аммо ҳеч қайсиси Мустақил Ватанимнинг турли биринчи орденичалик мени шод-бахтиёр этмаган" дегани, Эркинлик, Озодлик, Хурриятни куйлаган оташнафас сатрлари ёдимга тушади. Жуда ёшлигимда шоира имзоси билан "Саодат" журнали таҳририятдан илҳомбахш мактублар олганман. Ҳозирда халқ дилидагиларни оздир-қўлдир мадҳ эта олган бўлсам, бунда шоира Зулфиянинг ҳам ўрни беқийсдир.

Адиба ва журналист Гулҳеҳра Асронова ФДУ магистри Дилнавоз Қўлдошеванинг сўнгги пайтларда эришган ютуқлари ҳақида гапириб берди.

Тадбир сўнггида "Ўзбектелеком" АҚ Фарғона филиали касабга уюшмаси қўмитаси раиси Ботиржон Мамажонов ижодкорларга филиал жамоасининг совғаларини тақдим этди.

Ҳафиза САЛЯҲОВА,
"Хабар"нинг Фарғона вилоятидаги муҳбири

Хабар МУАССИС:		ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Хуришд МИРЗАХИДОВ (Хайфат раиси), Махсум МАҲМУДОВ, Алишер ФАЙЗУЛЛАЕВ, Миродил САНГИЛОВ, Руслан ҚОСИМОВ, Сувоп НАЖБИДДИНОВ, Абдулгани АБДУРАҲИМОНОВ (Бош муҳаррир уринбосари), Лутфилло ТУРСУНОВ (мастул котиб).		МАНЗИЛИМИЗ: 100043, Тошкент, Бунёдкор шохкўчаси, 8-уй. Тел.: 288-40-65; 288-40-64 288-40-69. Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz Обуна индекси — 228.									
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АЛОҚА, АХБОРОТЛАШТИРИШ ВА ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ДАВЛАТ ҚўМИТАСИ		Таҳририятта келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари таҳририят фикрларидан фарқлангани мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда "Хабар"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.		Газета таҳририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди. Дизайнер: Аслиддин БЎРИЕВ. Навбатчи: Муборак МИРКАМОЛОВА.									
Бош муҳаррир: Абдусайд КЎЧИМОВ		Реклама матнларининг тўғрилигига таҳририят жавобгар эмас. Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.		Г-1165 сонли буюртма. Офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ. Адади: 10125 нусха.									
Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2013 йил 23 июлда рўйхатга олинган.		Газета ҳафтанинг жума куни чиқади		ISSN 2010-6424 Босишга топширилди — 20.00. Босишга топширилиш вақти — 20.00.									
Вилоят муҳбирлари:		Андижонда 226-47-80	Бухорода 715-87-21	Гулистонда 240-00-46	Житсада (94) 199-95-64	Навоийда 225-91-10	Нукусда 554-35-45	Самарқандда 230-64-80	Термизда (91)235-88-68	Тошкентда 288-40-66	Урганчда (90) 713-21-40	Фарғонада 244-18-05	Қаршида (93)931-08-99